# ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ (ОЛДИ-СОТДИ) БЎЙИЧА

## Ш А Р Т Н О М А

Минғбулок туман № 2 2022 йил 17 январь

Амалдаги устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи **"Минғбулок Махсус Савдо" МЧЖ** номидан иш кўрувчи **М.Мехмонов** бир томондан ва амалдаги низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи **Мингбулок туман мактабгача таълим бўлими** номидан бюджет ташкилоти рахбари **М.Атақўзиева** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги **Озиқ-овқат махсулотлари** (кейинги ўринларда "товар" деб юритилади)ни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш мудати қуйидагича белгиланган.

| № | Товарлар (махсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси | Етказиб бериш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ун 1-нав | кг | 831 | 3000 | 2493000 | 30 кун |
| 2 | Макарон | кг | 259 | 7000 | 1813000 | 30 кун |
| 3 | Горох | кг | 169 | 7000 | 1183000 | 30 кун |
| 4 | Гречка | кг | 203 | 15000 | 3045000 | 30 кун |
| 5 | Перловка | кг | 214 | 7000 | 1498000 | 30 кун |
| 6 | Манни ёрмаси | кг | 167 | 4000 | 668000 | 30 кун |
| 7 | Шакар | кг | 1003 | 9000 | 9027000 | 30 кун |
| 8 | Қанд | кг | 174 | 15000 | 2610000 | 30 кун |
| 9 | мева киёми | кг | 236 | 13000 | 3068000 | 30 кун |
| 10 | Сариёғ 82,5% | кг | 766 | 44000 | 33704000 | 30 кун |
| 11 | пахтаеги | кг | 391 | 15000 | 5865000 | 30 кун |
| 12 | Сут | литр | 4982 | 4500 | 22419000 | 30 кун |
| 13 | Сгушонка 400гр | шт | 532 | 8000 | 4256000 | 30 кун |
| 14 | кефир 45% | кг | 3808 | 11000 | 41888000 | 30 кун |
| 15 | Сметана 20% | кг | 352 | 14000 | 4928000 | 30 кун |
| 16 | Творог | кг | 1170 | 18000 | 21060000 | 30 кун |
| 17 | Пишлок | кг | 621 | 42000 | 26082000 | 30 кун |
| 18 | Мол гўшти | кг | 393 | 60000 | 23580000 | 30 кун |
| 19 | Товуқ гўшти | кг | 1216 | 20000 | 24320000 | 30 кун |
| 20 | Музлатилган Балик | кг | 227 | 30000 | 6810000 | 30 кун |
| 21 | Тухум | шт | 31060 | 950 | 29507000 | 30 кун |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 22 | Томат | кг | 316 | 18000 | 5688000 | 30 кун |
| 23 | банан | кг | 231 | 18000 | 4158000 | 30 кун |
| 24 | мандарин | кг | 304 | 19000 | 5776000 | 30 кун |
| 25 | Қурук мевалар | кг | 78 | 6000 | 468000 | 30 кун |
| 26 | Кук Чой | кг | 24,6 | 23000 | 565800 | 30 кун |
| 27 | (Какао) | кг | 55 | 35000 | 1925000 | 30 кун |
| 28 | Ош тузи | кг | 286 | 1500 | 429000 | 30 кун |
| 29 | Курук хамиртуриш 100гр | шт | 141 | 4000 | 564000 | 30 кун |
| 30 | Жами | | | | 289397800 | |

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **289397800 (икки юз саксон тўққиз минг уч юз тўқсон етти минг саккиз юз** )сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинадиган товарлар учун амалдаги конунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 30 кун муддат ичида товарларни (махсулот) "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган хужжатларга асосан 90 кундан ортик бўлмаган муддатларда узил-кесил хисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар (махсулот) учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг хукук ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофик бериладиган буюртманомага мувофик тегишли сифат, ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Етказиб бериладиган товарлар (махсулот) кийматини хакконийлиги «Харидор» зиммасида булади.

3.2. "Етказиб берувчи" куйидаги хуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган товарларни (махсулот) учун олдиндан хақ тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил ҳисоб килинишини Харидордан талаб қилиш;Товарларни (махсулот) мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.Олинадиган товарлар (махсулот) нархига бюджет ташкилоти жавоб беради.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд товарларнинг (махсулот) тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор килади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни (махсулот) етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлик етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар (махсулот) учун ўз вактида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлик етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Форс-мажор холати, яъни томонларга боглик булмаган холатлар ( ёнгин, сув тошкини шу каби енгиб булмайдиган кучлар ) юз берган такдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома Мингбулок туман газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «Етказиб берувчи номи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **Мингбулок Махсус Савдо МЧЖ** | **Мингбулок Туман мактабгача таълим булими** |
| Адрес: Жомашуй шахри Уч уйли куча | Манзил:Мингбулок туман Жомашуй ш. |
| ОКОНХ 71124 | ш/х _400522860142047091100251001_ |
| х/р 20208000903292421001 | ОКОНХ 85100 |
| Банк номи АТБ Микрокредитбанк | СТИРи 305151814 МФО 00014 |
| МФО 00233 ИНН 202411304 | Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги |
| | Ғазна х в 23402000300100001010 201122919 мфо 00014 |
| Рахбар ____ М.Мехмонов | Рахбар ____ М.Агакузиева |
| (имзо) (Ф.И.Ш) | |

О.Хожибеков

№ 006708.

имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: RP8586702501

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ KO20876545

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Oziq-ovqat maxsulotlarini yetkazib berish (oldi-sotdi) bo`yicha shartnoma. ("Mingbuloq maxsus savdo" MCHJ)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Mingbuloq tuman maktabgacha ta'lim bo`limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 17-yanvarda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig`i A.Mamadaliyev

18.01.2022 y.

«Наманганґўшт» МЧЖ
Наманган шаҳри
Марғилон кўчаси, 218 уй

"NAMANGANGO'SHT" MCHJ
Manzil: Namangan shahar, Marg'ilon ko'chasi 218-uy
X/r: 2020 8000 3002 2762 3001
AK "Sanoat Qurilish bank" Namangan filiali
MFO: 00224

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар
(ижтимоий соҳа муассасалари) томонидан гўшт харид килиш
юзасидан тузиладиган шартномаларни назорат қилиш
буйича вактинчалик тартибга илова

**Чорва молларини автоматлаштирилган равишда сўйиш ва терига бирламчи ишлов беришга ихтисослаштирилган "мини-комплес"да тайёрланганлиги тўғрисидаги**

## МАЪЛУМОТНОМА № 01-15

« 5 » январь 2022 йил

Ушбу маълумотнома чорва молларини автоматлаштирилган равишда сўйиш ва терига бирламчи ишлов беришга ихтисослаштирилган **"НАМАНГАНГЎШТ" МЧЖ ЗАМОНАВИЙ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ҚУШХОНАСИ** томонидан сўйилган ва ветеринария мутахассиси томонидан хулоса (форма№200) олинган 2 (икки) бош, 480 (тўрт юз саксон) кг
(бош сони, рақам ва сўз билан ёзилади) (соф гўшт вазни рақам ва сўз билан ёзилади)
гўшт кейинчалик сотиш ёки қайта ишлаш учун Мингбулоқ маҳсус савдо мсчж
(ташкилот номи)

корхонасига берилди. СТИР (ИНН) № 202411304

***Маълумотномани соҳталаштириш қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.***

"НАМАНГАНГЎШТ" МЧЖ
автоматлаштирилган қушхона
комплекси рахбари

Ветеринария мутахассиси

NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
NAMANGANGO'SHT

---

«Наманганґўшт» МЧЖ
Наманган шаҳри,
Марғилон кўча, 218-уй

"NAMANGANGO'SHT" MCHJ
Zamonaviy avtomatlashtirilgan qushxona mini kompleksi
Namangan shahar, Marg'ilon ko'cha, 218-uy

Ҳайвонларни идентификациялаш, уларни ҳисобга олиш, ҳаракатини кузатиш тартиби тўғрисида НИЗОМГА
8-ИЛОВА

### ҲАЙВОН СЎЙИЛГАНИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА Ф-200

№ 01/15

Берилди ушбу маълумотнома, шу ҳақдаким, Мингбулоқ маҳсус савдо
(ҳайвон эгаси ФИО ёки юрхонаноми)
бўлган тегишли, идентификация рақами № __________ ҳайвонни Наманган вилояти, Наманган шаҳри, "Янги аср" МФЙ, Марғилон кўчаси 218-уйда жойлашган **"Намангангўшт" МЧЖ замонавий автоматлашган кушхона комплекси**да сўйилди.

Дастлабки кўрик натижалари : икки нафар тўрт юз саксон

Нимта (гўшт) оғирлиги 480 кг ни ташкил қилди.

Гўштни кўрикдан ўтказиш натижалари: ***Текширилди, истеъмолга ярокли***

Ички аъзоларини кўрикдан ўтказиш натижалари: ***Касаллик аниқланмади***

Аниқланган паразитар касалликлар: ***Касаллик аниқланмади***

Юқумли касалликларга гумон қилиниши:

Амалга оширилган чоралар:

Vet xizmat DASTLABKI KO'RIK 07-13-20

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VET NAZORAT

Ихтисослашган сўйиш корхонаси
ветеринария врачи **Р.Умаров**

« 5 » январь 2022 йил

Yagona Oyna Markazi

0179

## Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MINGBULOQ MAXSUS SAVDO" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MINGBULOQ MAXSUS SAVDO" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

20.07.2015 2547 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 202411304

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Mingbuloq tumani, Jo`masho`y, Uch uyli ko'chasi, 2,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Mingbuloq tumani, YAGONA DARCHA MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):